

Жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада талаб килиб олингунча депозит хисобварағини очиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича

ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

“Ziraat Bank Uzbekistan” акциядорлик жамияти банки (кейинги ўринларда - “Банк”) ушбу билан мазкур офертани қабул қилган жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда - “Мижоз”) хорижий ва миллий валютада талаб килиб олингунча депозит хисобварағи (кейинги ўринларда - “банк хисобварағи” ёки “ҳисобварақ”) бўйича операцияларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган буюртмаларини бажаради.

Ушбу шартноманинг предмети бўлиб мижоз томонидан банк хизматларига ўз вақтида ҳақ тўланган ва ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятлар бажарилган тақдирда, мижознинг банк хисобварағига келиб тушадиган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш ҳамда банк хисобварағидан тегишли маблағларни ўтказишни амалга ошириш ҳисобланди.

1. Асосий тушунчалар

1.1 Шахсни тасдиқловчи ҳужжат - Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ID карта, 16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно), хорижий фуқароларнинг паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;

1.2 Депозит (кейинги ўринларда омонат деб юритилади) - талаб қилиниши билан оқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда қайтариб бериш шarti билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси;

1.3 «Эмиссия» - эмитент банк тарафидан банк картасини карта фойдаланувчисига вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали муомалага чиқариш;

1.4 «Эмитент банк» - бу банк картасининг эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган карталарга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, ўз номидан уларнинг сақловчилари ва эквайерлар олдида нақд пулсиз ҳисоб-китобларга оид қонун ҳужжатлари талаблари асосида мажбуриятларни зиммасига олган, шунингдек пластик карта сақловчиларининг тўлов операциялари бўйича авторизациялаш, транзакцияларни йиғиш ва уларга ишлов бериш функцияларини амалга оширувчи банк;

1.5 «Эквайер» - банк карталар орқали амалга оширилган операциялар бўйича товарлар (ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи) сотувчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, шунингдек банк карта сақловчисига бевосита касса ёки банкомат орқали нақд пул берувчи банк;

1.6 «Банк карта» - банк тарафидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк ҳисобварағидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни

(тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини олиш имконини берувчи амалдаги банк картаси;

1.7 «Банк карта эгаси» - банк картасини вақтинчалик фойдаланиш учун олган ва банк карта бўйича тўлов операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс, эмитент банкнинг мижозидир. Миллий ва хорижий валютадаги карта банк тарафидан банк картаси эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун берилади;

1.8 «Банк картасидан фойдаланувчи» – эмитент банк билан шартнома асосида фойдаланувчи мижоз ёки мижоз тарафидан ваколат берилган шахс;

1.9 Махсус карта ҳисобварағи - банк карта орқали пул маблағлари тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;

1.10 «Транзакция» - банк карта фойдаланувчиси тарафидан амалга ошириладиган, унинг банкдаги ҳисобварағи дебетланиши ёки кредитланишига олиб келадиган тўлов ордери;

1.11 «ШИР» - банк карта эгаси тарафидан карта воситасида амалга ошириладиган ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш учун мўлжалланган шахсий идентификация рақами (банк карта эгасининг электрон имзоси)ни англатади;

1.12 «Терминал» - Банк карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича чекларни шакллантирувчи қурилма;

1.13 «Банкомат» - Банк карталаридан фойдаланувчига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш режимида нақд пул маблағларини ва бажарилган операциялар бўйича чекларни олиш, шунингдек банк карта орқали асосий ва қўшимча операцияларни амалга ошириш, жумладан, маблағларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, банк картанинг баланси ва банкдаги ҳисобварақ қолдиғи ҳолати тўғрисида ахборот олиш ва паролларни ўзгартириш имконини берувчи электрон-механик қурилма;

1.14 «Инфокиоск» - Банк карталар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга оширувчи ва амалга оширилган транзакциялар ҳақида маълумотларни тақдим этувчи ҳамда терминал банк, молия – кредит муассасалари, уяли алоқа провайдерлари, кўп тармоқли бўлинмаларга эга бўлган компаниялар хизматларини тақдим этиш учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи қурилма;

1.15 «Стоп-лист» - процессинг маркази тарафидан шакллантириладиган ва доимий янгиланиб туриладиган йўқолган ёки банк тарафидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтинча тўхтатиб турилган ёки бутунлай тўхтатилган банк карталар рўйхати;

1.16 SMS хизмати» - ҳисобварақдаги ўзгаришлар бўйича мижознинг мобил телефонига юбориладиган хабарлар хизмати;

1.17 Шахсий ҳисобварақ варақчаси - шахсий ҳисобварақ варақчасининг шакли.

1.18 Электрон шахсий ҳисобварақ варақчаси - шахсий ҳисобварақ варақчасининг электрон шакли

1.19 СМС хабарнома - омонатчининг шахсий ҳисобварағи бўйича амалга оширилган амалиётлар, омонат қолдиғи тўғрисида маълумотлар йўлланадиган электрон хабар.

1.20 Шахсий кабинет - банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган, истеъмолчига банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан ахборот олиш, шунингдек интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда хабарлар алмашиш орқали банк билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берувчи ахборот ресурси.

1.21 «Банк тарифи» - Операцияларга тегишли тўловлар ва воситачилик ҳақларининг барча турлари ҳамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифи (www.ziraatbank.uz).

2. Банк хизматларини тақдим этиш шартлари:

2.1 Талаб қилиб олгунча ҳисоб рақамини ёки банк карта ҳисоб рақамини дастлабки очиш мижознинг аризаси асосида идентификациялаш тадбири бўйича амалга оширилади.

2.2 Банкнинг идентификация қилинган мижозлари учун талаб қилиб олгунча омонат ҳисоб рақамини, шу жумладан банк карталарини очиш, шунингдек миллий / хорижий валютадаги

банк карталарини чиқариш/қайта чиқариш, банк ҳисобрақамларини блокировка қилиш/блокдан чиқариш, ахборот хизматларига уланиш (SMS - хабарнома, E-MAIL, шахсий кабинет ва / ёки мобил банкинг) банкнинг www.ziraatbank.uz, веб- сайтида жойлаштирилган Мижознинг аризаси асосида ёки Банк мобил иловаси орқали амалга оширилади. Банк картасининг тайёрлиги тўғрисида билдиришнома “Push” -хабарнома орқали мижозга юборилади, мижоз томонидан картани қабул қилиб олиш унинг тегишли равишда хужжатлаштирилган аризаси асосида амалга оширилади.

2.3 Миллий ва хорижий валютадаги ҳисобрақамлар ва банк карталари бўйича амалиётлар банк томонидан мижознинг кўрсатмаларига биноан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.4 Мижоз ўзи томонидан ҳисобрақам блокировка қилинган тақдирда ПИН-кодни тиклаш масофадан туриб хизмат кўрсатишнинг Банкнинг расмий каналлари орқали амалга оширилади;

2.5 Ахборот хизматларига уланиш (SMS - хабарнома, E-MAIL, шахсий кабинет ва/ёки мобил банкинг) мижознинг банк бўлимида шахсий иштироки ёки расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали мижознинг аризаси асосида амалга оширилади.

2.6. Муддатли ва жамғарма омонатларини очиш алоҳида тузилган шартнома асосида амалга оширилади (намунавий шартномалар www.ziraatbank.uz, банкнинг веб сайтида мавжуд).

2.7. Талаб қилиб олингунча омонатларга фоиз ставкалар амалдаги банк тарифига асосан ҳисобланади.

2.8. Муддати ўтган банк карталари ва бир йилдан ошиқ муддатда ҳаракатсиз бўлган омонат ҳисоб рақамларининг қолдиқлари, агар мижоз мурожаат қилмаган тақдирда муддати ўтган ойдан эътибор 29842 ҳаракатсиз ҳисобрақамга ўтказилади.

2.9. Ушбу оферта шартномаси банк тарифининг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Мижознинг омонатларини ва банк операцияларини сир сақлаш ва улар тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маълумот бериш;

3.1.2. Мижоз ёки учинчи шахслардан омонатнинг тасдиқланган шартларига мувофиқ омонатга нақд пул ва нақд пулсиз шаклдаги пул маблағларини омонатчининг омонати бўйича зарурий маълумотларини кўрсатган ҳолда қабул қилиш;

3.1.3. Мижознинг ёки унинг вакилларининг биринчи талабига биноан (ишончнома орқали) омонатларга қўйилган маблағларни, шунингдек ушбу оферта шартномаси шартларига мувофиқ ҳисобланган фоизларни қайтариш;

3.1.4. Омонат бўйича фоизлар Банк томонидан олинган кундан кейинги кундан (мижознинг шахсий ҳисобрақамига) омонатчига қайтарилишидан олдинги кунгача ёки бошқа сабабларга кўра омонатчининг ҳисобрақамидан чиқарилишигача ҳисобланади. Банк омонатчининг ҳисобрақами хатланганда ушбу ҳисоб рақамидаги маблағлардан фойдалана олмаганлиги даврида фоиз ҳисобламайди;

3.1.5. Агар фоизларни ўтказиш санаси банк ишламайдиган кунига тўғри келса, у кейинги банк иш кунига ўтказилади;

3.1.6. Банк карталарини белгиланган муддатда чиқариш/қайта расмийлаштириш;

3.1.7. Мижоз банкка келганда ҳаракатсиз ҳисобрақамни блокдан чиқаришни амалга ошириш;

3.1.8. Ахборот хизматларига мижозни улаб (SMS - хабарнома, Push - хабарнома (қисқа ахборот хабарномаси/хабар), E-MAIL, шахсий WEB - кабинет ва / ёки мобил банкинг) мобил телефон рақами/ электрон почта манзили, ушбу Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган намунага кўра дастур асосида логин, пароль ва фойдаланувчи йўриқномаларини тақдим этиш.

3.1.9. Мижознинг ёзма аризасига кўра, бошқа мобил телефон рақамларини, мижознинг бошқа электрон почта манзилларини ахборот хизматларига улаш, шу жумладан аввалгиларини ўчириб қўйиш;

3.1.10. Маблағларни банк ҳисобрақамидан чиқарилиши тўғрисида, ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, кимнинг фойдасига, сабаби ва чиқарилаётган сумманинг миқдори кўрсатилган ҳолда хабардор қилиш;

3.1.11. Мижознинг банк ҳисоб рақамларидаги операцияларни банк операциялари тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, банк операцияларини тўхтатиб туриш сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилиш.

Тегишли билдиришнома мижознинг ўз танловига кўра қуйидаги йўллар билан мижозга юборилади:

_____ (шахсан);

_____ (почта орқали);

_____ (электрон алоқа орқали: SMS - хабарнома/ Push - хабарнома/электрон почта манзили).

3.2 Мижознинг мажбуриятлари:

3.2.1 Ушбу Шартнома шартларига риоя қилиш;

3.2.2 Банкка банк операцияларини амалга ошириш ва ишончли маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш;

3.2.4 Паспорт маълумотлар, яшаш жойи, иш жойи, алоқа телефон рақамлари ёки бошқа шахсий маълумотлар ўзгарган тақдирда, бу ўзгаришлар ҳақида банкни 3 (уч) банк иш кунидан хабардор қилиш, шунингдек, янги паспорт маълумотлари нусхаларини ва ушбу шартноманинг 3.1 бандларида кўрсатилган ахборот хизматлари уланган мобил телефон рақами ва/ёки, электрон почта манзилини тақдим этиш;

3.2.5 Банк картасининг шахсий маълумотларини учинчи шахсларга етиб бўлмайдиган жойда сақлаш, банк картасининг шахсий маълумотларини ва ПИН - кодини учинчи шахсларга бермаслик;

3.2.6 Мунтазам равишда банк ҳисобрақамлари/карталари қолдиғини текшириш;

3.2.7 Банк картаси балансида овердрафтга йўл қўймаслик яъни банк картасидаги техник овердрафт юзага келганда карта эгаси уни қайтариши шарт;

3.2.8 Банк картаси йўқотилиши ёки ўғирланиши ҳолатларида банкни банк иш кунлари давомида ёки банкни 24 соат давомида расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали хабардор қилиш шунингдек банкнинг мобил иловаси орқали картани ўзи блоклаши;

3.2.9 Банкнинг **www.ziraatbank.uz** расмий веб-сайтида жойлаштирилган тегишли маҳсулот/хизмат кўрсатмалари ва қоидалари билан мустақил равишда танишиб чиқиш.

4. Тарафларнинг ҳуқуқлари

4.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.1.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳисобрақамидаги амалиётларни тўхтатиб туриш ёки уларни бажаришни рад этиш;

4.1.2. Банк амалиётларини ўтказишда ҳисобрақамлар бўйича амалиётлар ўтказиш учун банк тарифларида назарда тутилган миқдорларда комиссия ҳақини олиш;

4.1.3. Омонат китобчаси/банк картасини йўқотганлик/зарар етказганлик учун банк тарифларида назарда тутилган миқдорда комиссия ҳақини олиш;

4.1.4. Банк мижозларининг ҳисобрақамларидаги ҳаракатлар бўйича ахборот хизматлари (мобил банк, sms, e-mail, web-ахборот) учун банк хизматлари тарифлари (мижознинг хизматлар кўрсатиш тўғрисида ёзма аризаси асосида) бўйича комиссия ундириш;

4.1.5. Мижоздан паспорт маълумотлари, яшаш жойи ва алоқа телефон рақамларига киритилган ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида маълумотни талаб қилиш ва олиш;

4.1.6. Бошқа банк маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида мижознинг маълумотлари ва банк операцияларини таҳлил қилиш;

4.1.7. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган асослар, халқаро талаблар, шунингдек қайсидир санкциялар мавжуд бўлган тақдирда, олдиндан огоҳлантирмасдан ҳисоб рақам бўйича амалга ошириладиган операцияларни рад қилиш ёки тўхтатиш, ва/ёки пул маблағларини блокка қўйиш;

4.1.8. Тўлов картасидан фойдаланувчи томонидан шартнома талаблари ва фойдаланиш қоидалари ҳамда халқаро тўлов карталарини эмиссия қилиш тартиби талаблари (2-илова) бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ушбу шартнома банкнинг талабига кўра бекор қилиш ва картани блоккаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан норезидент-мижозлар томонидан республика банкларидаги ҳисобварақларни очиш ва улардан фойдаланиш тартиби ёки халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби ўзгарган тақдирда банк томонидан бир томонлама ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин;

4.1.9. Мижоз ва операциялари иштирокчилари ёки уларнинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки қўшимча маълумотлар тақдим этилмаган ҳолларда, шунингдек амалга ошираётган операциялар мижознинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва мижоз билан шартномаларни бир томонлама бекор қилиш.

4.2. Мижоз ҳуқуқлари:

4.2.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, банк ҳисоб рақамларини шахсан ва ўзининг вакили орқали (ишончнома орқали) бошқариш;

4.2.2. Исталган вақтда банк ҳисоб рақамидан ёки унинг бир қисмидан маблағ талаб қилиш;

4.2.3. Телефон, электрон почта манзили ва / ёки шахсий кабинет ва / ёки расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали ахборот хизматларидан фойдаланиш;

4.2.4. Банкнинг **www.ziraatbank.uz** расмий сайтида жойлаштирилган ва/ёки расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали банк маҳсулотлари, хизматлари ва тарифлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш;

4.2.5. Бошқа мобил телефон рақамларини/электрон почта манзилларини ахборот хизматларига, шу жумладан аввалгисини ўчиришга, ёзма ариза билан ёки мустақил равишда шахсий ҳисоб рақами орқали ва масофавий хизмат кўрсатишнинг расмий каналлари орқали Банк билан боғланиш орқали уланиш;

4.2.6. Масофавий хизмат кўрсатишнинг расмий каналлари орқали ёзма ариза ёки тегишли ариза юбориш орқали Банк томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ёки бошқа хизматлардан воз кечиш;

5. Шартноманинг амал қилиш муддати

5.1. Ушбу шартнома муддатсиз ҳисобланади ва тарафларнинг бири томонидан бекор қилинган пайтга қадар амал қилади.

5.2. Ушбу шартнома мижознинг аризасига кўра исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

5.3. Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос ҳисобланади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар

6.2. Ўзбекистон Республикаси "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ, мижд томонидан банк ҳисобрақамларига киритилган маблағларнинг сақланиши кафолатланади.

- Ziraat Bank Uzbekistan АЖда жойлаштирилган жисмоний шахсларнинг омонатлари Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланади.

- Кафолатлаш ҳодисаси банкни тугатиш (ёпиш) тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан юзага келади. Бунда ҳар бир омонатчиға тўланадиган компенсация миқдори, омонат бўйича ҳисобланган фоизларни инобатға олган ҳолда, 200 000 000 сўмдан ошмаслиги лозим.

- Чет эл валютасида жойлаштирилган омонатлар бўйича компенсация Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк тугатилган санадаги расмий курси асосида миллий валютада тўланади.

6.3. Банк қуйидагилар учун жавобгар эмас:

6.3.1. Учинчи шахсларға шахсий ҳисоб рақамларига ва/ёки мобил банк хизматларига кириш учун логин ва паролнинг мижд томонидан ошкор қилинганда;

6.3.2. Мижд банк картасини сақлаш учун тегишли чора-тадбирлар қабул қилмаган ҳолда, карта шахсий маълумотлари мижд томонидан картадан пул маблағларини рухсатсиз ҳисобдан чиқариш учун карта шахсий маълумотларини ва ПИН-кодни учинчи шахсларға / Интернетда ошкор қилинганда;

6.3.3. Мижд томонидан учинчи шахсларға мобил банк хизматлари, SMS, Push-хабарномаси ва электрон почта хабарномалари орқали олинган маълумотларни ошкор қилинганда;

6.3.4. Агар омонатчи уяли телефон рақамини ёки электрон почта манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, шунингдек, агар у банкка ахборот хизматларига уланган уяли телефон рақамини ёки электрон почта манзилини ўзгартириш тўғрисида маълумот бермаган бўлса, юборилган SMS ва электрон почта хабарлари ёки мобил банк хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ошкор бўлганда.

6.3. Мижд логин/паролини ошкор қилиш ёки бошқа шахсларға мобил телефон рақамидан/электрон почта манзилидан/шахсий кабинетдан/мобил банкдан фойдаланишға рухсат бериш учун жавобгардир.

6.4. Мижд карта шахсий маълумотларини ва ПИН-кодни учинчи шахсларға ўтказишда картадан рухсатсиз пул олиш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

7. БАНКНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ziraat Bank Uzbekistan» акциядорлик жамияти
СТИР:201178469,МФО:00395, манзил: 100043,
Тошкент ш, Бунёдкор кўчаси 15АБВ,
тел.:78-147-6767

1-илова
_____ бошқарувчисига
филиал номи

_____ дан
мижоз номи

АРИЗА

(талаб қилиб олингунча, муддатли, жамгарма омонати, банк картаси ва бошқалар)

ҳисобрақаи очишингизни сўрайман. Ҳисобварағим бўйича операцияларни амалга оширишда шарт бўлиши ҳисобланадиган имзоларим (Мен томондан ваколат берилган шахсларнинг имзолари) намуналарини маълум қиламан. Банк картасини чиқариш/қайта чиқариш:

☐	UzCARD	_____
☐	HUMO	_____
☐	Visa	_____
☐	Кобейжинг	_____

Сана _____ й.

_____ (ҳисоб рақами эгасининг имзоси)

БАНК БЕЛГИСИ

Ҳисобварақ очиш бўйича ҳужжатларни текширдим: Бош бухгалтер _____ (имзо)

Ҳисобварақ очишга рухсат бераман: Филиал бошқарувчиси/Менежер _____ (имзо)

Ҳисобварақ _____ йилда очилди.

Ҳисобварақ рақами № _____ банк картаси рақами _____

Бошқа белгилар _____

Паспорт, № ва серия: _____ берилган _____

Амал қилиш муддати _____ гача

Қўшимча маълумот:

Резидент/норезидент _____, туғилган санаси _____ туғилган жойи _____

Яшаш манзили _____

Иш жойи манзили _____

Лавозими _____

Алоқа телефонлари: _____ Алоқа е – mail манзили _____

Мен банк ҳисоб рақамларини очиш ва банк операцияларини амалга оширишда банкнинг барча йўриқномалари (оферата шартномаси) билан қўйидаги йўллар асосида танишдим ва тўлиқ жавобгарликни ўз зиммамга оламан

www.ziraatbank.uz расмий сайти _____ мобил илова _____ қўғоз шакли _____

Халқаро тўлов карталаридан фойдаланиш қоидалари

Картани олган вақтда нималар қилиш шарт?

1. Картани бошқа шахсга фойдаланишга ёки таъминот (залог) сифатида топшириш таъқиқланади.

Рухсат берилмаган шахс томонидан тақдим этилган карта олиб қўйилади.

2. Картага қўшиб сизга махсус “Персонал Идентификацион Номер” (PIN-код) тақдим этилади. Уни эслаб қолинг ёки бирор жойга ёзиб қўйинг, лекин ҳеч қачон уни карталар билан бир ҳамёнда сақламанг ва карта устига ёзманг. Бу код сизга банкоматлар орқали ва электрон терминаллар ўрнатилган савдо нуқталарида операцияларни амалга ошириш учун керак бўлади. Махсус қоғозга карта рақами ва унинг муддатини ёзиб, картадан алоҳида сақлаб қўйинг, бу маълумотлар сизга картангиз йўқолган ёки ўғирланган тақдирда зудлик билан уни блоклаш учун зарур бўлади.

Картадан қаерда фойдаланиш мумкин?

Халқаро тўлов карталари эмблемаси мавжуд дунёнинг исталган савдо ва хизмат кўрсатиш пунктлари орқали фойдаланишингиз мумкин.

Картадан қандай фойдаланилади?

1. Картадан бирор нима учун тўлов қилмоқчи бўлсангиз, кассирга картани тақдим этишингиз керак. Кассир слип (ЧЕК) расмийлаштираётганда Сизнинг картангизни тўлов лимитини электрон ёки механик мослама орқали текширади (картани авторизация қилади).
2. Сўнг слипда сумма ва валюта тўғри кўрсатилганини текширгандан кейингина унга имзо қўйиш лозим.
3. Слипда тўлов (нақд пул) суммаси кўрсатилмаган бўлса ёки нотўғри кўрсатилган бўлса унга имзо қўйманг. Слип нусхасини олишни унутманг.
4. Слип нусхаларини кўрсатилган суммалар сизнинг Карт-ҳисобингиздан ечилиб, операциялар тарихи (выписка)да кўринмагунча сақлаб қўйинг.
5. Кассир Карта эгасидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатишини талаб қилишга ва бундай ҳужжат бўлмаган тақдирда карта билан операцияни бажаришдан бош тортишга ҳақли. Агар операция электрон терминал орқали амалга ошириляётган бўлса Сиз ўзингизнинг PIN-кодингизни киритишингиз лозим бўлади.

Ёдда тутинг!

1. Кассир картани авторизация қилгандан сўнг, тўлов (ёки ечилган нақд пул) суммаси Сизнинг Карт-ҳисобингизда блокланади, бу сумманинг реал ечилиши банкка халқаро банклараро ҳисоб-китоб марказининг операция ҳақидаги молиявий тасдиқномаси келиб тушгандан сўнг амалга ошади.
2. Агар бирор бир сабаб билан авторизациядан сўнг сотиб олишни рад этсангиз, кун давомида тўлов-хизмат пунктининг розилиги билан бу операцияни рад

этишингиз (ОТМЕНА) мумкин, бу ҳолда айнан ўша сумма сизнинг Карт-хисобингиздан ечилмайди ва блокировкага тушмайди.

3. Бироқ, агар кассир ўтказилган авторизацияни “ОТМЕНА” қилмаган бўлса, тўлов суммаси 35 кун давомида блокировкада ушланиб қолади, ва шу давр оралиғида бу суммадан фойдаланишнинг иложи бўлмайди.
4. Эсда тутинг: “авторизация” ва “операция” тушунчалари мутлақо фарқланади. Шундай экан, агар Сиз тўлов операциясидан ёки нақд пул ечишдан бош тортган бўлсангиз, кассирнинг бу операцияни бекор қилганига ишонч хосил қилишингиз лозим. Акс ҳолда амалга ошмаган операция суммаси сизнинг Карт-хисобингиздан ечиб олинади ёки тизимда блокланади.

Диққат!

- PIN-код 3 марта кетма-кет нотўғри терилганда карта блокланади.
- Халқаро тўлов карталари орқали интернет-дўкондан операция амалга ошириш рад этилган тақдирда, банк процессинг маркази томонидан CVV2 хавфсизлик кодини текширишни ўчириш учун Сиз ариза беришингиз керак бўлади, негаки, баъзи интернет сайтлар бу кодни банкка жўнатиш функциясига эга эмас.

Умумий тавсиялар

- Картангизни магнит майдонга эга жихозлар (телевизор, аудиотизим ва х.к.) билан тегинишига йўл қўйманг, бу картанинг магнит йўлагини шикастланишига ва картанинг ишдан чиқишига олиб келиши мумкин.
- Слипларни тўғри тўлдирилганлигини синчковлик билан текширинг. Ҳеч қачон тўлов суммаси кўрсатилмаган слипни имзоламанг. Нотўғри тўлдирилган слипни ёки сиз тўлов операциясини рад этган тақдирингизда слипни йўқ қилиниши (йиртиб ташланиши)ни талаб қилинг.
- Картага хизмат кўрсатиш комиссиясининг ечилиши жорий тарифга асосан сўзсиз амалга оширилади.
- Агар банкоматдан фойдаланаётган бўлсангиз:
 - А) PIN-кодни ҳеч ким кўра олмайдиган тарзда теринг;
 - В) Пулни олгандан сўнг дарҳол уларни хамёнга солинг, чек ва картани олишни унутманг;
 - С) бирор нима гумонли кўринган тақдирда операцияни амалга оширманг;
- Тўлов амалга оширилаётганда картани кўз остингиздан чиқарманг;
- Карта ва Карт-хисобини ёпилиши фақатгина карта эгасининг аризасига асосан карта банкка қайтирилгандан сўнг амалга ошади. Сўнгги ҳисоб-китоб (суғурта депозитини қайтариш) ариза топширилган кундан бошлаб 30 кун ўтгандан сўнг амалга оширилади.

Эсда тутинг!

Сизнинг харажатларингиз картанинг тўлов лимитидан ошмаслиги керак. Агар бу амалга ошган тақдирда Сиз шартнома шартларига ва банк тарифига асосан пайдо бўлган овердрафт суммасини сўзсиз сўндиришингиз шарт. Овердрафт жуда котта суммани ташкил қилган тақдирда банк сизнинг картангизни қарз ёпилгунга қадар блоклаши мумкин.

Иш бўйича ёки дам олиш учун чет-элга отланишдан олдин:

1. Картанинг амал қилиш муддатини текширинг;
2. Ўз PIN-кодингизни яхши эслаб қолганингизга ишонч ҳосил қилинг, аммо ҳеч ҳам бу кодни картанинг устида кўрсатманг ва бошқа шахсга берманг;
3. Саёҳатга кетишдан олдин картангиздан ўз давлатингизда фойдаланиб кўринг;
4. Қандай суммани ишлатишингиз мумкунлигини билиш учун картанинг балансини олдиндан текширинг, керак бўлса картани олдиндан тўлдиринг.

Эсда тутинг!

Чет элдаги баъзи банкоматлардан фақатгина иш соатлари давомида фойдаланиш мумкин ва бу вақт давлатига қараб фарқланади.

Картани йўқотган тақдирингизда нима қилиш мумкин:

Карта блоккланиши ҳақида дарҳол ёзма равишда банкка хабар беринг. Агар ёзма равишда хабар беришнинг иложи бўлмаса, телефон орқали CALL-маркази билан боғланган ҳолда банкни хабардор қилинг. Акс ҳолда карта блоккланмайди.